# Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!

ШУ АЗИЗ ВАТАН – БАРЧАМИЗНИКИ!

# РОМИТАННОМА

ROMITANNOMA

Ромитан тумани ҳафталик ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1934 йил 28 июлдан чиқа бошлаган. | 2021 йил 9 апрель ЖУМА № 11 (17360) | E-mail:romitannoma78@olam.uz












# МУРУВВАТЛИЛИК САМАРАСИ

**Туманимизнинг Гулистон маҳалласида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтар" ига 105 нафар аҳоли киритилган эди. Олиб борилган мурувватлилик натижасида "Аёллар дафтар" идаги 47 нафар хотин-қизлардан 18 нафар, "Ёшлар дафтар" идаги 34 нафар йигит ва қизлардан 24, "Темир дафтар"даги 31 нафар аҳолидан 24 нафари қолди.**

**Вилоятдаги 4 сектор раҳбарлари–вилоят прокурори М.Истамов, вилоят ИИБ бошлиги Ш.Алиев, вилоят ДСБ бошлиги Ш.Ашуров ва ДХХ вилоят бошқармаси бошлиги А.Эркаевлар ана шу қолган аҳоли шарт шароитларини ўрганиб, уларга ҳам мурувват қўлларини чўздилар.**

**Мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган Сайёр қабулда маҳалладаги учала дафтарга кирганлар билан суҳбат ўтказилди, уларнинг муаммолари ўрганилди.**

**Иссиқхоналарида ўтқазиш учун кўчатлар, мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари текинга тарқатилди.**

**Қорамол, қўй, қуён, товуқ боқиш учун берилди. Бир неча ёшлар иш билан таъминланди.**

**"Темир дафтар" га номлари қайд этилган маҳалланинг Жаъфар Пўлатов, Фурқат Шокиров, Олим Пўлатовлар оиласига қора мол берилди.**

**"Ёшлар дафтар" идаги Нозима Ҳамроева хусусий тиш даволаш клиникасида ишга жойлаштирилди. Шайхруз Шоевга 30 миллион сўмлик кредит, Зарина Авезовага соғлигини тиклаш мақсадида 500 минг сўмлик сертификат берилди.**

**–Олган кредит маблағига иссиқхона ростлаб, кўчат ўтқазаман,--дейди "Ёшлар дафтар"ига рўйхатга турган Беҳруз Неъматов.**

**Кўрсатилган эътибор ва мурувватдан аҳоли хурсанд. Улар ўз Юртбошиларига миннатдорчиликларини қандай айтмоқни билмай, лолдирлар.**

**Бундайин адолат, меҳр тантанаси юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат намунасидир.**

## *Туманимиз янгиликлари*

## *НУРОНИЙЛАР КЕНГАШДИЛАР*

*Нуронийлар жамоатчилик кенгашининг навбатдаги йиғилиши Президентимизнинг "Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг муҳокамасига бағишланди.*

*–Ҳар бир нуронийга 5 нафар ёшларни бириктириш, уларни миллий қадриятларимиз асосида тарбиялашимиз лозим,-деди нуронийлар жамоатчилик кенгаши туман бўлими раиси Олим Жумаев. Йиғилишда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Жўра Фозилов, "Бувижонлар мактаби" раиси Зуҳра Қурбонова, "Ромитаннома" газетаси муҳаррири Маҳфират Атоева ва маҳалла раислари, зиёли нуронийлар вакиллари қатнашдилар.*

*2021-йилнинг биринчи чорагида маҳалла фуқаролар йиғинларидаги "Кексалар маслаҳат гуруҳи" аъзоларининг амалга оширилаётган ишлари таҳрир қилинди, вазифалар белгилаб олинди.*

## *ИСТИРОҲАТ БОҒИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ*

*Туманимиздаги Амир Темур кўчасида жойлашган Хотира хиёбони ўрнида истироҳат боғи қурилиши ишлари бошлаб юборилди.*

*Миллий меъморчилик анъаналари ва шаҳарсозлик талаблари асосида замонавий атракционлар, кўнгилочар масканлар, қишки боғ, чархпалак, фавворалар, кафе, автомобил турар жойлари барпо этиш режалаштирилган.*

*Ушбу боғ 4 фаслда ҳам одамлар ҳордиқ чиқарадиган масканга айланади.*

*Истироҳат боғида умумхалқ байрамлари, оммавий томошалар, концерт дастурлари, кўргазма, форум, спорт мусобақалари ташкил этилади.*

## *СПОРТ ГЎЗАЛЛИКДИР*

*Туман тиббиёт бирлашмаси, ички ишлар бўлими, маданият бўлими, 30-мактаб жамоаси ҳамкорликда Урганжиён маҳалласида саломатлик тадбирлари ўтказилди. Унда мингдан ортиқ аҳоли иштирок этди.*

*Беш минг қадам пиёда юришдан бошланган тадбир спорт ўйинларига уланиб кетди. Иштирокчилар спортнинг волейбол, шахмат-шашка, баскетбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Тиббиёт ходимлари эса тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш саломатлик гарови, мавзуида суҳбатлар ўтказишди.*

***Ислом Сатторов,***
***туман ҳокимлиги***
***Матбуот котиби***

